



Ўзбекистон-Латвия:

## ҲАМКОРЛИКНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИ

(Боши 1-саҳифада)

Ўзбекистон Президентининг давлат ташрифи доирасида Ригада бизнес-форум бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон ва Латвияда биргаликда бизнес юритиш имкониятлари, ҳамкорликнинг янги йўналишлари, Латвия логистика тармоқларидан Ўзбекистоннинг фойдаланишини кенгайтириш, Ўзбекистондан Латвияга озиқ-овқат саноати маҳсулотларини етказиб бериш ҳажмларини ошириш масалалари муҳокама этилди.

Ишбилармон доираларнинг бевосита алоқалари мустақамланиши муҳим аҳамиятга эга эканлиги таъкидланди. Бу, хусусан, Болтиқбўйи бозорларини Европа Иттифоқининг барча талабларига жавоб берадиган аъло сифатли маҳсулотлар билан тўлдиришга хизмат қилади. Маълумки, бугунги кунда Латвияда сотилаётган Ўзбекистон маҳсулотлари кўп ҳолларда бевосита эмас, учинчи мамлакатлар эга эканлиги таъкидланди. Бу уларнинг нархи ҳам салбий таъсир кўрсатаётди. Аслида, Ўзбекистон ўз озиқ-овқат товарларини нафақат Болтиқбўйи бозорларига, балки куритилган мева ва полиз маҳсулотларини савдо флотига ҳам етказиб бериши мумкин. Бу, албатта, ишбилармон доираларнинг вазифаси. Томонлар икки мамлакат тадбиркорларини мазкур йўналишда иш олиб боришга жалб этишга келишиб олдилар. Бунинг учун зарур ҳуқуқий асослар мавжуд. Энди гап тўғридан-тўғри алоқаларни йўлга қўйишда.

Маданий-гуманитар соҳалардаги ҳамкорлик ҳам изчил ривожланмоқда. 2004 йилда Рига шаҳрида машҳур аллома ва давлат арбоби Мирзо Улугбекнинг, 2006 йилда улкан мутафаккир Абу Али ибн Синонинг ҳайкали ўрнатилиши латвияликларнинг халқимизга, буюк аждодларимизга ва бой меросимизга юксак ҳурмат-эҳтиромнинг амалдаги яққол ифодаси бўлди.

Мамлакатларимиз пойтахтлари ўртасидаги ҳамкорлик алоқалари мустақамланмоқда. Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Давлат академик Катта театри ҳамда Латвия миллий операси ўртасидаги ижодий ҳамкорлик тобора кенгаймоқда. Бадий ва фото кўргазмалар, кино декадалари, концертлар ташкил этилмоқда, икки мамлакатнинг фольклор жамоалари Ўзбекистон ва Латвияда ўтказилаётган турли маданий тадбирларда иштирок этмоқда. Хусусан, Латвия санъаткорлари Самарқандда ўтказилган «Шарқ тароналари» халқаро мусиқа фестивалида мунтазам катнашиб келди.

Таълим соҳаси ҳамкорликнинг муҳим йўналишларидандир. Бугунги кунда Ўзбекистон Латвияда ўқиётган хорижлик талабалар сони бўйича бешинчи ўринда туради. Латвияда қарийб 200 нафар ўзбекистонлик йигит-қиз таҳсил олмақда.

Музокаралар якунида Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Латвия Республикаси Президентининг Қўшма баёноти қабул қилинди. Шунингдек, соғлиқни сақлаш, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, транспорт ва юklar транзити, савдо алоқаларини кенгайтириш, туризм ва инвестициявий ҳамкорликка оид ҳужжатлар имзоланди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов Латвия Сеймига ташриф буюриб, Спикер Солвита Аболтня билан музокаралар ўтказди. Давлатимиз раҳбари Латвия парламенти фаолияти билан танишди. Сўхбат жараёнида парламентларо ҳамкорликни ривожлантириш масалалари муҳокама қилинди.

Ўзбекистон Президенти Ислон Каримовнинг Латвия Бош вазири Валдис Домбровскис билан учрашуви бўлиб ўтди. Музокаралар чоғида ташриф давомида эришилган келишувларни амалга ошириш масалалари муҳокама қилинди.

Президентимиз Ислон Каримов Латвия Президенти Андрис Берзиньш ҳамроҳлигида Озодлик монументи пойига гул қўйиб, Латвия озодлиги йўлида қурбон бўлганлар хотирасига ҳурмат бажо келтирди.

Шу билан Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримовнинг Латвия Республикасига давлат ташрифи ниятига етди.

Ушбу ташриф икки томонлама ҳамкорлик ривожига янада жадал суръат бахш этиши ва уни янги босқичга олиб чиқиши шубҳасиз.

**Анвар БОБОЕВ,**  
ЎЗА махсус мухбири.  
Тошкент – Рига – Тошкент.

# ПАХТА ВА ТЎҚИМАЧИЛИК САНОАТИ САЛОҲИЯТИ

(Боши 1-саҳифада)

Мамлакатимиздаги минтақавий пахта терминаллари ичида «Тошкент-тола» терминали энг йирикларидан бири ҳисобланади. 45 минг тоннагача пахта толасини қабул қилиш, сақлаш ва экспортга жўнатиш имкониятига эга терминалда 7 та омборхона мавжуд. Замонавий техникалар ёрдамида Тошкент вилоятидаги пахта тозалаш заводларида қайта ишланган тола мазкур терминал орқали миҳозларга етказиб берилмоқда. Ўзбекистон «Сифат» марказининг бу ердаги лабораторияси толани қабул қилиш ва таснифлаш ишларини амалга оширади. Шунингдек, терминалда толани фумигациялаш, фито-санитар сертификати ҳамда божхона кўригидан ўтказиш каби муҳим тадбирлар бажарилади.

Ўзбекистонда ривожланган бозор иқтисодиётини шакллантириш ва уни юқори кўшимча қийматга эга маҳсулотлар ишлаб чиқаришга йўналтириш давомида тўқимачилик саноати ҳам изчил ривожланиб, янги корхоналар ишга туширилаётгани, уларнинг ишлаб чиқариш қуввати ортиб бораётгани ҳам эътиборга молиқдир. Энг муҳими, пахта толасини чуқур қайта ишлаш ҳажми ошмоқда. Бу кўрсаткич ўтган асрнинг 90-йилларидаги 7 фоиздан айни




Фарғона Вилояти

## ҲАЁТИ МАЗМУНИ, МЕҲНАТИ УНУМИ

Янгийўл Фарғона шаҳридаги энг намунали маҳалалардан бири. Маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудидаги 21 та кўп қаватли уйларда 1200 дан ортиқ хонадон, уларда 3500 нафардан зиёд аҳоли истиқомат қилади. Маҳалла аҳли кўчаларнинг тоза-озодлиги, қўйингки, маҳалланинг ободлигига ҳар доим алоҳида эътибор қаратишади.

Жорий йилда маҳалла ҳудудида улкан бунёдкорлик ишлари амалга оширилди. Махсус автоуловлар бепул қўйиладиган умумий фойдаланишдаги очик турағоқ барпо қилинди. Кўп қаватли уйларнинг йўлагига темир эшиклар, йўлакларнинг кираверишига эса ўриндиқлар ўрнатилди. Фақат бугина эмас, уйлар йўлагига, эшик, ромларнинг ҳаммаси таъмирланди, синган ойналар алмаштирилди. Умумий фойдаланишдаги ертўлалар, чордоқлар, тик қувурлар, совуқ ва иссиқ сув, оқова сув йўллари қайта кўриб чиқилиб, зарур жойлари алмаштирилди, бўялди. Маҳалла аҳли ўзлари қилаётган ишнинг самараси ободлик ва саришталлик олиб бораётганидан хурсанд бўлиб, уй-жойла-



пайтда 40 фоизга ўсди. Ҳисоб-китобларга кўра, яқин йиллар ичида Ўзбекистонда етиштирилаётган жами пахта толасининг асосий қисми ўзимизда чуқур қайта ишланади.

Мамлакатимизда уч юзга яқин замонавий тўқимачилик корхонаси фаолият кўрсатмоқда. Ҳар йили янги корхоналар, шу жумладан, хорижлик ҳамкорлар иштирокида кўп қаватли кўшма корхоналар ишга туширилмоқда, уларнинг ишлаб чиқариш қуввати оширилмоқда. Ишлаб чиқарилаётган тўқимачилик маҳсулотлари ҳар йили

ички ва ташқи бозорда талаб катта бўлган янги турлар билан бейитилмоқда. Соҳага жалб қилинаётган инвестиция ва замонавий технологиялар маҳсулот сифатини ошириб, рақобатбардошлигини таъминламоқда, экспорт салоҳияти юксалишига хизмат қилмоқда. Бугунги кунда энгил саноат маҳсулотлари дунёнинг кўп қаватли бозорларига экспорт қилинмоқда.

Тўқимачилик маҳсулотлари ишлаб чиқарадиган йирик «Uztex» компаниялари гуруҳи томонидан тайёрланаётган маҳсулотлар ҳам харидорлиги билан ажралиб туради. Айни пайтда компания фабрикаларида ип, сурп, гулли матолар, эркаклар, аёллар ва болалар учун бежирим кийимлар ва бошқа кўплаб турдаги маҳсулотлар тайёрланмоқда.

Форум қатнашчилари бевосита ишлаб чиқариш жараёни билан танишган «Uztex-Tashkent» корхонасида йиғириб ишлаб чиқариши йўлга қўйилган. 2010 йилда фаолият бошлаган ушбу корхонада халқаро андозларга тўлиқ жавоб берадиган тўқимачилик маҳсулотлари ишлаб чиқарилапти. Корхона бир йилда 6,5 минг тонна пахта ишлаб си-

фатли толага айлантириш қувватига эга. Замонавий технологиялар иш суръатини оширишда ҳамда сифатни таъминлашда хизмат қилмоқда.

Ярмаркада Ўзбекистон тўқимачилик корхоналари томонидан ишлаб чиқарилган кенг турдаги калава, полотно, матолар, тайёр тикувчилик буюмлари ҳам кенг намоёйиш этилди. «Ўзбекенгилсаноат» давлат акциядорлик компанияси дизайнерлик марказининг табиий матолардан тайёрланган либослар моделларининг намоёйиши хорижлик иштирокчиларда катта қизиқиш уйғотди.

Бу йилги ярмарканинг ўзига хос жиҳати шундаки, унда ҳудудларимизнинг инвестиция салоҳияти ва тўқимачилик саноатини ривожлантиришга доир янги лойиҳалар тақдим этилди. Хорижий ишбилармон доиралар вакиллари мамлакатимиз тўқимачилик саноатига сармоя киритишда манфаатдор эканини таъкидладилар.

Ярмарка якунлари бўйича 680 минг тоннадан ортиқ Ўзбекистон пахта толасини сотиб олиш бўйича шартномалар имзоланди. Мамлакатимизда ишлаб чиқарилган тўқимачилик маҳсулотларини етказиб бериш бўйича эса қиймати 1 миллиард АКШ долларидан зиёд миқдордаги шартномалар тузилди. Ярмарка ниятига етган бўлса-да, шартномалар тузиш давом этмоқда. Зеро, юртимизда етиштирилган пахта ва ишлаб чиқарилаётган тўқимачилик маҳсулотларига жаҳон бозорига талаб ҳамisha катта.



**Анвар ҚАШҚАРАЕВ,**  
«Qishloq hayoti» мухбири.  
Рашид ГАЛИЕВ олган суратлар.

▼ МАҲАЛЛА: КЕЧА ВА БУГУН

Қашқарарё Вилояти

Касби тумани «Чўлқувар» қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудидаги «Илёс Турдиев» фермер хўжалигида илғор тажрибалар тўпланган. Фермер Омонжон Илёсов ҳақиқий деҳқон. Гурунглари ҳам деҳқонча. Қилаётган ишлари, эришаётган ютуқлари ҳақида бир қулиб, бир қувониб гап олади. Унинг ҳаракатларидан, гапларидан фермерлик масъулиятини нақадар чуқур ҳис қилишини англайсиз.

## ДАВР БИЛАН ҲАМНАФАС, ЗАМОН БИЛАН ҲАМҚАДАМ

– Фермернинг масъулияти нафақат унинг етиштирган ҳосили, балки элга тегаётган нафи билан ўлчанади, — дейди у. — Қолаверса, шунча имконияти, шунча шариоит яратилган. Президентимизнинг ўзлари бевосита биз, қишлоқ мулкдорларини қўллаб-қувватлаб келмоқда. Қилаётган ишимиз, эришаётган натижаларимиз ҳам шунга муносиб бўлиши керак-да.

Фермер хўжалигининг қийос очилган пахтазорини, яратилган мўл ҳосилида бу ерда қилинаётган меҳнат самарасини кўрасиз. Умуман, 15 йилдики, «Илёс Турдиев» фермер хўжалиги аъзоларининг эшитгани раҳмат, эришгани муваффақият бўлапти. Мисол учун, улар ўтган йили 50 гектарда ғўза парваришда, ҳар гектаридан 35 центнердан ҳосил кўтаришга эришганди. Бу йил эса ҳозирга қадар ҳар гектар ғўзадан 36 центнердан ҳосил олинди, қабул масканида 200 тонна юқори навли пахта топширилди. Чўл шариоитида бундай натижага эришишнинг ўзи бўлмади, албатта.

– Насиб бўлса, ҳосилдорликни 40 центнердан ошираемиз, — дейди фермер. — Кўриб турибсиз, далада пахта кўп. Теримчиларнинг иштиёқи баланд, гайрати зўр.

Фермер билан гурунгимиз қизигандан қизийди. Чигитни қачон қадагани, агротехник тадбирларни қандай бажаргани ҳақида завқ билан гапирди у. Гап айлана-айлана кўп тармоқликка тақаллади.

– Президентимизнинг Халқ депутатлари Қашқарарё вилояти Кенгашининг

навбатдан ташқари сессиясидаги нутқи ва воҳамиздаги бир гуруҳ фермерлар билан мулоқоти чоғида берган маслаҳатлари, йўл-йўриқлари биз фермерларни янги марралар, юксак мақсадлар сари ундади, — дейди Омонжон Илёсов. — Рост-да, давр биздан янги-ча фирқалар, янги-ча иш кўрсатишни талаб этмоқда. Энди фақат режани бажариш ҳақида ўйлаган фермер ютқазади. Президентимиз таъкидлаганларидек, фермер қишлоқ хўжалигининг ва ишлаб чиқаришнинг бошқа тармоқларини ривожлантириш, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини йўлга қўйиш, ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий раванқига, аҳоли фаровонлигини оширишга, одамларни, биринчи навбатда, ёшларни иш билан таъминлашга фаол ҳисса қўйиши лозим. Биз ҳам хўжалигимизда кўшимча тармоқларни ривожлантиришга эътибор қаратяпмиз. Балиқчиликни ривожлантиряпмиз. Бундан ташқари, хўжалигимизда 50 бош қорамол, 100 бош қўй парваришланмоқда. Ҳозир сутини қайта ишлаш цехини ишга тушириш устида ишляпмиз. Бу ҳам янги иш ўринлари, ҳам даромадимизга даромад қўшилади, дегандир.

Омонжон Илёсовнинг ака-укалари ҳам фермер. Бугун улар раҳбарлик қилаётган фермер хўжаликлари жамоаси барча тармоқларда юқори натижаларга эришиб келмоқда. Чунки улар доимий изланишда, инти-

**Хусан ТЕМИРОВ,**  
«Qishloq hayoti» мухбири.

Қорақалпоғистон Республикаси

## АГРОКИМЁВИЙ ХИЗМАТ – ФЕРМЕРГА МАДАД

Оролбўйи деҳқонларининг қишлоқ хўжалиги экинларидан юқори ҳосил олишида Қорақалпоғистон Республикаси «Қишлоқхўжалик-кимё» ҳудудий акциядорлик жамияти, унинг туманлардаги филиаллари ходимларининг ҳам муносиб улуши бор. Ушбу тизим орқали фермер хўжаликларини тизимли равишда минерал ўғитлар билан таъминлаш натижасида агротехник тадбирларни пухта амалга ошириш имкони юзага келаётди.

– Жорий йилда 159 та фермер хўжалигига азотли, фосфорли ва калийли ўғитлар етказиб бериш режалаштирилганди, — дейди Қорақалпоғистон Республикаси «Қишлоқхўжалик-кимё» ҳудудий акциядорлик жамияти Кегайли тумани филиали раҳбари Камолал Алланиязов. — Шу мақсадда «Максам-Чирчик», «Навоийазот», «Аммофос-Максам», «Самарқандкимё» очик акциядорлик жамиятларидан азотли ва фосфорли, «Деҳқонобод калийли ўғитлар» унитар корхонасидан калийли ўғитлар олиб

келиниб, фермер хўжаликларига узлуксиз етказиб бериш йўлга қўйилди. Шунингдек, агрокимёвий хизмат кўрсатишда филиалдаги мавжуд транспорт ва қишлоқ хўжалиги техникаларидан унумли фойдаланилмоқда. Бугунги кунда жами 18 та транспорт ва қишлоқ хўжалиги техникалари, жумладан, 4 дона трактор, 7 дона ОВХ пуркагич, 1 дона минерал ўғитларни юклагич, 2 дона ўғит сепги ва бошқа техника воситалари билан хизмат кўрсатилмоқда. Марказий ва 5 та мукобил машина трактор парк-



ри қошидаги шохобчаларда жойлашган омборхоналар мукамал таъмирланди. Жорий йилнинг ўтган ойлари мобайнида фермер хўжаликларига шартнома асосида 305 миллион 190 минг сўмлик агрокимёвий хизмат кўрсатилди.

Жорий йилда галла ва пахта агротехнологиясида суспензия билан ишлаб бериш тадбирига эътибор қучайтирилди. Туман бўйича 12895 гектар майдонга суспензия билан ишлаб берилди. Ғўза парваришида муҳим агротехник тадбирлардан бири де-

фоляция даврида ҳам филиал ходимлари деҳқонлар билан ҳамкорликда меҳнат қилиб, тадбирни белгиланган муддатда сифатли амалга оширишга эришди. Жумладан, дефоляция даврида 6 та отряд ташкил қилиниб, уларга 23 нафар ОВХ пуркагич ҳайдовчиси, 12 нафар «ишчи эритма» тайёрловчи ва 6 нафар ташувчи механизатор жалб қилинди. Бу эса, фермер хўжаликларида етиштирилган ҳосилни муддатда йиғиштириб олишда ўзининг ихобий самарасини бермоқда. Ушбу филиал томони-

римиздан четда қолмайди, гулзорлар, тўй ва бошқа маросимларни ўтказиш айвони, электр, газ ўлчагичлари, тақсимлагичлар, қучайтиргичларнинг ҳаммаси эътибор билан кўриб чиқилади.

– Бошлаган ободонлаштириш ишларимизда шаҳар ва вилоят ҳокимликлари ҳар томонлама ёрдам берди, — дейди маҳалла фуқаролар йиғини раиси Лайло Махмудова. — Айниқса, белгиланган ишларимиз тез ва сифатли бўлишида «Водийгазтаъминот», «Фарғона-Турон-текстиль», «Фарғона евро коммуналчи», «Иссиқлик манбаи», «Фарғона электр тармоқлари» корхоналари, Фарғона механика заводи, ободонлаштириш бошқармаси меҳнат жамоалари яқиндан ёрдамларини аямасди. Улардан маҳалламиз аҳли миннатдор. Маҳалламиз қанчалик обод ва фаровон бўлса, унда яшаётган кишилар ҳаёти мазмунли, меҳнати унумли бўлади.

Сирасини айтганда, бугун Фарғонанинг чирой оған Янгийўлда ободлик ва бунёдкорликда амалга оширилган ибратли ишларни кўриб инсоннинг кўзи қувнайди.

**Ҳамиджон БУРҲОНОВ,**  
«Qishloq hayoti» мухбири.

▼ ИНФРАТУЗИЛМА



Бухоро вилояти

### ЯНГИ МАРКАЗ ИШ БОШЛАДИ

Ғиждувонлик Алишер Нарзуллаев туман марказида амалий санъат маркази биносини қуриб, ишга туширди. Бу ерда хунармандларнинг унумли меҳнат қилишлари, ёшларнинг хунар сирларини ўрганишлари учун барча қулайликлар яратилган.

— Мустақиллик шарофати билан халқ амалий санъатига берилаётган эътибор тўғрисида биз ана шундай имкониятларга эга бўлдик, — дейди Алишер Нарзуллаев. — Марказимиз биноси буюк бобокалонимиз Хожа Абдуҳали Ғиждувоний зиёратгоҳи яқинида жойлашган. Бу эса зиёратчилар, шунингдек, хорижий сайёҳлар учун ҳам қулайлик яратди. Улар бу ерга келиб, маҳаллий хунармандлар фаолияти билан яқиндан танишишлари мумкин.

Марказда миллий услубдаги бош кийимлар ҳам тикилмоқда. Келгусида бу ерда зарғарлик устaxonаси очилмоқда бўлади. Эътиборлики, марказ биносида музей — кўрғазма ҳам ташкил этилган бўлиб, унда ғиждувонлик хунармандларнинг амалий санъат намуналари ўрин олган.

Хамроз АЛИ

Қашқадарё вилояти

### ОБОДЛИК УЧУН ТЕХНИКАЛАР

Қарши шаҳар ободонлаштириш бошқармаси парки замонавий техникалар билан тўлдирилди.

Бу ерда саккизта замонавий махсус техника келтирилди. "Isuzu" русумидаги иккита юк машинасининг ҳар бири саккиз тоннагача суви ташиш ва сегиш имкониятига эга. "MAN CLA 26-280" русумли машина эса 15 тоннагача юкни ташиди. Яна учта тўрт тоннагача маиший чиқиндиларни ташинишга мўлжалланган юк машинаси ҳам мавжуд. Шунингдек, бошқарма томонидан бир дона "MAN CLA" русумидаги машина негизда яратилган махсус техника ҳам харид қилинди.

— Бу техникалар шахримизни тоза-озода сақлаш ва унинг кўркам бўлиши учун амалга оширилаётган ишларимизда қўл келади, — дейди Қарши шаҳар ободонлаштириш бошқармаси парки бош механиги Рустам Жабборов. — Машиналарнинг барчаси замонавий ва қулай бўлиб, иш унумдорлигини анча оширди. Ушбу техникаларнинг ўзимизда ишлаб чиқарилаётгани эса қувонардир.

Хусан ТЕМИРОВ

Сурхондарё вилояти

### ФАОЛИЯТ КЕНГАЙМОҚДА

Музработ туманидаги "Хумо" корхонасида замонавий технология асосида қандолатчилик маҳсулотлари ишлаб чиқарилмоқда.

Бундан ташқари, бир кеча-кундузда 1 тонна макарон маҳсулотлари ҳамда 2000 донагача қолипчи нон тайёрланмоқда. Яқинда корхона жамоаси "Микрокредитбанк"нинг туман бўлимида 100 миллион сўм сармоа олиб, тўйхона ҳамда кичик савдо ва сервис шохбачалари бунёд этишга киришдилар.

— Жорий йилда корхонамиз қошида 5 тоннагача узум, олма, анор каби меваларни, картошка, пиёз, помидор ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сақлайдиган совиткичи ишга туширилди ҳамда 10 нафар қишлоқ ёшларини доимий иш билан таъминлаймиз, — дейди корхона иш юритувчиси Алишер Соатов.

Чори ЖУМАКУЛОВ

Вниманию руководителей организаций и предприятий!

## РЕСПУБЛИКАНСКИЙ ДЕТСКИЙ ЦЕНТР «БАРКАМОЛ АВЛОД» ПО КРАЕВЕДЕНИЮ И ЭКОЛОГИИ ОБЪЯВЛЯЕТ КОНКУРСНЫЕ ТОРГИ ПО ОБЪЕКТАМ ЛОТ 1-2:

Лот-1-1: «Капитальный ремонт Республиканского детского центра «Баркамол авлод» по краеведению и экологии по ул. А.Дониша 72а Юнусабадском районе г.Ташкента».

Стартовая стоимость заказчика составляет с учетом НДС 248 977 992 сума, без учета НДС 207 481 660 сума.

Срок окончания работ, установленный заказчиком 50 дней.

Лот-1-2: «Капитальный ремонт Республиканского детского центра «Баркамол авлод» по краеведению и экологии по ул.У.Носира 109 в Яккасарайском районе г.Ташкента».

Стартовая стоимость заказчика составляет с учетом НДС 323 627 912 сума, без учета НДС 269 689 927 сума.

Срок окончания работ, установленный заказчиком 50 дней.

ВНИМАНИЕ! Отбор подрядной организации для выполнения работ по строительству и реконструкции объектов со стоимостью до 500 млн. сум и капитального ремонта финансируемых за счет средств государственного бюджета и иных централизованных источников, осуществляется исключительно среди субъектов малого бизнеса. Финансирование проекта будет осу-

ществляться за счет средств Госбюджета.

Организатор торгов: Ташкентский областной территориальный консалтинговый центр по конкурсным торгам и ценообразованию в строительстве.

Заказчик: Республиканский детский центр «Баркамол авлод» по краеведению и экологии.

Адрес заказчика: г.Ташкент, ул. Ахмада Дониша 72 "А". Тел: 222-12-06.

К претендентам на участие в конкурсных торгах предъявляются следующие квалификационные требования: наличие оборотных средств, в размере 20% от расчетной стоимости предмета конкурсных торгов или поручительства банка на предоставление указанных средств, производственной базы, трудовых ресурсов и специалистов, необходимых для выполнения работ (услуг), гражданская правоспособность и полномочия на заключение договора, наличие опыта работы на объектах, аналогичных конкурсному объекту, предоставление сведений о ранее выполненных объемах работ собственными силами, намереваемом объеме работ планируемом к выполнению собственными силами

на конкурсном объекте. При участии в конкурсных торгах отечественных и зарубежных организаций, для оценки их конкурсных предложений предусматриваются следующие ценностные предпочтения для отечественных подрядчиков: при проведении оценки конкурсных предложений участником с импортной поставкой работ (услуг), по которым импортеры в соответствии с законодательством освобождаются от налога на добавленную стоимость, досчитываются на сумму указанного налога. Для участия на торгах и приобретения конкурсной документации необходимо обратиться с запросом к организатору торгов по адресу: г.Ташкент, ул. Навои дом 18. 308/311 комнаты. Телефон (факс): 241-15-26, 241-15-32. Стоимость одного комплекта конкурсной документации – 150 000 (сто пятьдесят тысяч) сум. Последний срок представления оферты организатору торгов приурочен ко дню и часу вскрытия оферты по адресу: г.Ташкент, ул. Ахмада Дониша 72 "А".

Вскрытие оферты состоится по истечении 30 дней после публикации объявления.

Наманган вилояти

## СИФАТЛИ НАВ – СИФАТЛИ ТОЛА

Бугун жаҳон пахта бозорига ўзбек толасига бўлган талаб тобора ортиб бормоқда. Бу Президентимиз ташаббуси билан мамлакатимизда бир неча йилдан буён анъанавий ўтказиб келинаётган халқаро Ўзбекистон пахта ва тўқимачилик ярмаркасида ҳам яққол намоен бўлмоқда. Албатта, бу, аввало, истиқлол йилларида иқтисодиётимизнинг етакчи тармоқларидан бўлган пахтачиликда амалга оширилган кенг қуламли ислохотлар самарасидир. Эътиборли жиҳати, соҳада олиб борилган ислохотлар жараёнида селекция ишларига ҳам алоҳида эътибор қаратилиб, олимларимиз томонидан 160 дан ортиқ янги нави яратилди. Айни пайтда ҳам бу борадаги ишлар жадал давом эттирилмоқда. Зеро, сифатли нав – сифатли тола дегандир.



“Турақўрғон-4” гўза нави ўзининг қатор афзал хусусиятлари билан синовдан муваффақиятли ўтмоқда.

Ўзбекистон Пахтачилик илмий-тадқиқот институтининг Наманган филиали жамоаси ҳам турли касалликлар ва ташқи таъсирларга чидамли, эртапишар ҳамда сифатли тола берадиган янги навларни яратиш бўйича қатор изланишлар олиб бормоқда. Жорий йилда 12 гектар ерда экилиб, парваришланган гўзанинг янги “Турақўрғон-4” нави эса ана шу изланишлар махсулидир.

— “Турақўрғон-4” — ўртапишар навлар гуруҳига мансуб бўлиб, вегетация даври 118-120 кун давом этади, — дейди қишлоқ хўжалик фанлари номзоди Хусниддин Болтабоев. — Пояснини узунлиги 115-120 сантиметр, илдини бакуват, яхши ривожланади. Шўрга ва сувсизликка чидамли, ҳосил тугунчаларини тўкиб юбормайди. Ушбу нав тезпишар бўлиб, совуқ тушунга қадар ҳосилнинг 85-95 фоизи йиғиштириб олинади. Ўртача ҳосилдорлик гектарига 45-46 центнерни ташкил этиб, вилт касаллигига чидамли. Навнинг толаси 4-типага мансуб бўлиб, тола чиқishi 36-38 фоизга тенг. Чигитлари йирик, минг

давна чигит оғирлиги 114-116 граммни ташкил этади. 2007 йилда Давлат нав синовига берилганди. Чигитининг унвучанлиги юқори бўлиб, апрель ойининг 5 санасидан бошлаб бир гектар ерга тўкли чигитдан 50-55, тўксизлангилардан чигитдан 30-35 килограмм экилади. Тўкли чигитлар тупроқнинг 0-10 сантиметр қатламидаги ҳарорат 12-14, тўксиз чигитлар 14-15 даражага етганида механик таркибига қараб 4-5 сантиметр чуқурликда экилса, яхши натижа беради.

Нихоллар тўлиқ униб чиққандан кейин биринчи культивация ўтказилиб, 1-2 чинбарг ҳосил бўлган даврда ҳар гектарда 100-110 минг туп атрофида кўчат қолдирилиб янана қилинади. Озиқлантириш жараёнида ҳар гектарига соф ҳолда 200-250 килограмм азотли, 140-175 килограмм фосфорли, 100-125 килограмм калийли ўғит ҳамда 30 тонна гўнг солиш мақсадга мувофиқ. Экинни озиқлантириш уч даврда, яъни чигитни ерга қадаш ол-

дидан ёки экиш билан бирга ҳамда гўзада ёппасига гуллаш бошланганда ўтказиш талаб этилади.

Навнинг яна бир афзаллик хусусияти сувсизликка чидамли, яъни сув кам талаб қилади. Чилпиш тупроқ унумдорлиги ва кўчат сонига қараб, гўза тупларига 12-13 ёки 14-15 тадан ҳосил шохи пайдо бўлганда, дефолиация эса кўсақларнинг 45-55 фоизи очилганда ўтказилади. Юқорида келтирилган агротехник тадбирга тўлиқ амал қилган ҳолда парваришланган “Турақўрғон-4” гўза навидан юқори, сифатли ҳамда эртаги ҳосил олиш имкони мавжуд.

Ҳа, гўзанинг ушбу янги истиқболли нави қатор афзалликлари билан соҳа мутахассислари ва фермерларда катта қизиқиш уйғотмоқда. Олимлар эса изланишларни давом эттирган ҳолда янги марралар сари интиломоқда.

Маъмур МУСУЛМОНОВ, “Qishloq hayoti” муҳбири. Аҳмад ХАМДАМ олган сурат.

Навоий вилояти

Навоий вилоятида балиқчиликни ривожлантириш борасида бир қатор ижобий ишлар амалга оширилмоқда. Айни вақтда вилоятда шу соҳа билан шугулланувчи 152 та фермер хўжалиги фаолият юритмоқда.

## БАЛИҚЧИ ФЕРМЕРЛАР КЎПАЙМОҚДА

— Бу йил қўшимча 51 та шундай хўжалик ташкил этилиб, улар 107,4 тонна балиқ етиштиришни ўз олдига мақсад қилиб қўйди, — дейди вилоят Табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси “Ўсимлик ва ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш” инспекцияси бошлиғи Панжикул Рўзиқулов. — Мазкур хўжаликларда жорий йилда 105 та янги иш ўрни яратилиши белгиланган бўлиб, ҳозиргача 92 та иш ўрни яратилди. Айдарқул сув хавзасида “Зарафшон-Шамс” фермер хўжалигида 650 минг, Қизилтепа туманидаги “Аква тўдакул” қўша корхонасида 1,2 миллион, Нурота туманида “Жонибек Престиж” МЧЖда 1,5 миллион дона балиқ чавоқлари етиштирилиши белгиланган.

Таъкидлаш лозимки, ўтган олти ой давомида сув хавзаларидан 1185 тонна балиқ овланди. Жорий йил 1 июль ҳолатига қўра, мавжуд сунлий сув хавзалари 600,6 минг дона, табиий сув хавзалари эса 1801,0 минг дона майда балиқлар билан балиқлантирилди. Айдарқул сув хавзасида илк марта балиқлантириш тадбири амалга оширилиб, Тошкент вилоятдан 15 миллион сўмлик маблағ эвазига балиқ чавоқлари олиб келинди ва қўлга ташланди.

Кейинги йилларда худудимизда ҳайвонот оламини асраш, уларнинг турларини янгда кўпайтириш бора-бора хорижлик мутахассислар билан ҳамкорликда ҳам бир неча қўрқихона ташкил қилинмоқда. Жумладан, Кармана тумани “Маликчўл” массиви худудида ана шундай ҳамкорлик асосида Ўзбекистон Республикаси “Қизил китоби”га киритилган Ўйрга тувалоқ қўши кўпайтирилмоқда. Ҳозир парваришхонада инкубация цехларидан чиқарилган 1800 та шундай қўшлар боқилляпти. 2012 йилда дастлабки 24 та Ўйрга тувалоқ қўшлари табиат бағрига қўйиб юборилди. 2018 йилдан бошлаб ҳар йили бу ерда 2500 та ана шундай қўшлар кўпайтирилиб, табиат қўйнига учирма қилиниши келгусидаги режалардан биридир.

Вилоят Табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси томонидан худудимиздаги мавжуд ҳайвонлар ҳамда маданий ва ёввойи ҳолда ўсувчи ўсимликларни парвариш қилиш, уларнинг турларини кўпайтиришга доимий эътибор қаратилмоқда. Зотан, ноёб ҳайвон ва ўсимликларни асраб-авайлаш, табиатдаги биохилма-хилликни таъминлаш йўлида амалга оширилаётган эзгу саъй-ҳаракатдир.

Раъно РАББИМОВА

○ Реклама ва эълонлар

Вниманию руководителей организаций и предприятий!

## ИКСЕЗ ТАШОБЎЛХОКИМИЯТА ОБЪЯВЛЯЕТ КОНКУРСНЫЕ ТОРГИ ПО ОБЪЕКТУ:

“Реконструкция водопроводных сетей и сооружений ССГ Красногорск Ахангаранского районаТашкентской области”.

Стартовая стоимость с НДС – 126 104 350 сум.

Стартовая стоимость без НДС – 105 086 958 сум.

Срок строительства – 45 дней. Финансирование проекта будет осуществляться за счет средств местного бюджета.

ВНИМАНИЕ! Отбор подрядной организации для выполнения работ по строительству и реконструкции объектов со стоимостью до 500 млн. сум и капитального ремонта финансируемых за счет средств государственного бюджета и иных централизованных источников, осуществляется исключительно среди субъектов малого бизнеса.

Организатор торгов: Ташкентский областной территориальный консалтинговый центр по конкурсным торгам и ценообразованию в строительстве Государственного комитета по архитектуре и строительству Республики Узбекистан.

Заказчик: Инжиниринговая компания службы единого заказчика Ташкентского областного хокимията.

Адрес заказчика: г.Ташкент, проспект А.Темуря 17. Тел: 236-06-95.

К претендентам на участие в конкурсных торгах предъявляются следующие квалификационные требования: наличие оборотных средств, в размере 20% от расчетной стоимости предмета конкурсных торгов или поручительство банка на предоставление указанных средств, производственной базы, трудовых ресурсов и специалистов, необходимых для выполнения работ (услуг), гражданская правоспособность и полномочия на заключение договора, наличие опыта работы на объектах, аналогичных конкурсному объекту, предоставление сведений о ранее выполненных объемах работ собственными силами, намереваемом объеме работ планируемом к выполнению собственными силами

средств, производственной базы, трудовых ресурсов и специалистов, необходимых для выполнения работ (услуг), гражданская правоспособность и полномочия на заключение договора, наличие опыта работы на объектах, аналогичных конкурсному объекту, предоставление сведений о ранее выполненных объемах работ собственными силами, намереваемом объеме работ планируемом к выполнению собственными силами на конкурсном объекте.

При участии в конкурсных торгах отечественных и зарубежных организаций, для оценки их конкурсных предложений предусматриваются следующие ценностные предпочтения для отечественных подрядчиков: при проведении оценки конкурсных предложений участником с импортной поставкой работ (услуг), по которым импортеры

в соответствии с законодательством освобождаются от налога на добавленную стоимость, досчитываются на сумму указанного налога.

Для участия на торгах и приобретения конкурсной документации необходимо обратиться с запросом к организатору торгов по адресу: г.Ташкент ул. Навои дом 18. 308/311 комнаты. Телефон (факс): 241-15-26, 241-15-32.

Стоимость одного комплекта конкурсной документации – 150 000 (сто пятьдесят тысяч) сум.

Последний срок представления оферты организатору торгов приурочен ко дню и часу вскрытия оферты по адресу: г.Ташкент, проспект А.Темуря 19.

Вскрытие оферты состоится по истечении 30 дней со дня публикации объявления.

## «UNIVERSAL AUKTSION INVEST» МЧЖ ФАРГОНА ВИЛОЯТИ ФИЛИАЛИ ОЧИҚ АУКЦИОН САВДОСИГА ТАКЛИФ ЭТАДИ!

2013 йил 22 ноябрь куни соат 10:00 да бошланғич баҳоси босқичма-босқич олиб бориш тартибда ўтказиладиган аукцион савдосига Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш департаментининг Фарғона вилояти худудий бошқармаси балансидаги қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилмоқда: 2003 й. и/ч “Нексия Донс” русумли, д/р 40 313 FAA, бошланғич баҳоси 11 167 766 сўм, 2003 й. и/ч “BA3 2107” русумли, д/р 40 320 FAA, бошланғич баҳоси 5 125 673 сўм, 2003 й. и/ч “BA3 2107” русумли, д/р 40 334 FAA, бошланғич баҳоси 5 345 071 сўм, 1990 й. и/ч “Москвич Комби” русумли, д/р 40-50 ФЕЧ, бошланғич баҳоси 329 438 сўм, 2003 й. и/ч “ГАЗ-3110” русумли, д/р 15 AF 476, бошланғич баҳоси 636 000 сўм, 2002 й. и/ч “Матиз” русумли, д/р 40 352 FAA, бошланғич баҳоси 7 945 286 сўм.

Автотранспорт воситалари ушбу кундаги савдода сотилмаган тақдирда такрорий савдолари 29 ноябрь, 6 ва 13 декабрь кунлари бўлиб ўтади. Аукцион савдоси қолиблари томондан автотранспорт воситасини сотиб олиш баҳосидан ташқари савдо ташкилотчига транспорт воситаси сотиб олиш баҳосининг 5 (беш) фоизи миқдорда комиссия йиғими тўланади. Аукцион савдоси қолиб савдо ўтган кундан бошлаб 20 (йигирма) иш куни ичнда сотувчи билан транспорт воситаси олди-сотди шартномасини тузади. Аукцион савдосида иштирок этиш учун та-

лаборлардан аризалар расмий иш кунлари соат 9:00 дан 17:00 гача қуйида кўрсатилган манзилда қабул қилинади. Талабдорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион савдосида 1 (бир) кун олдин соат 10:00 да тўхтатилади. Аукцион савдосида иштирок этиш учун талабдорлар «Закалат пули тўғрисидаги келишув»ни имзолагандан сўнг объект бошланғич баҳосининг 30% (ўттиз) фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини «Universal Auktision Invest» МЧЖ Фарғона вилояти филиалининг «Савдогарбанк» ОАТБ Фарғона вилояти бўлимидаги МФО: 00500, ИНН: 302083379, 20208000204932168003 ҳисобрақамига тўлашлари ва қуйида кўрсатилган ҳужжатларни топширишлари керак: — аукцион савдосида қатнашиш учун юридик шахслардан давлат рўйхатидан ўтказилгани тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси, агар ваколатли шахс қатнашса, ўратилган тартибда расмийлаштирилган ишончнома, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат илова қилинган ҳолда; — жисмоний шахслардан паспорт нусхаси, агар ваколатли шахс қатнашса, ўратилган тартибда расмийлаштирилган ишончнома, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат нусхаси илова қилинган ҳолда; — закалат пули тўлаганига ҳақида тўлов ҳужжати. Ихтиёрий қўшимча хизматлар кўрсатиш учун тўлов олинади. Аукцион савдоларини ўтказиш ва қўшимча маълумот олиш манзили: Фарғона шаҳри Академик Авлиёхон Муҳаммадиев кўчаси 64А-уй 16-хона. Муржоат учун тел: (+99895) 404-44-78.

Гувоҳнома № 004059

### ЭЪЛОН

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 10 февралдаги «Автомобилларни газ билан тўлдириш компрессор станциялари ва автомобильларга газ қуйиш станциялари шохбачаларини ривожлантириш ҳамда автотранспорт воситаларини суюлтирилган ва сикланган газга босқичма-босқич ўтказиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 30-сонли қарори ижросини таъминлаш мақсадида вилоят худудидида қуйидаги шаҳар ва туманларда АГНКС қурилиш учун танланган ер участкаларига тендер ўтказиш учун танлов эълон қилинади:

1. Қувасой ш. «Пакана» ҚФЙ.
2. Риштон т. «Қалай-нов» қ.
3. Ёзёвон т. «Гулистон» ҚФЙ.
4. Тошлоқ. т. «Бешалиш» қ.
5. Фарғона т. «Чимийон» қ. Аризалар эълон чиққан кундан бошлаб бир ой ичда шаҳар ва туман ҳокимликларига қабул қилинади.

Фарғона вилояти ҳокимлиги

▼ БУГУН – САМАРҚАНД ШАҲРИ КУНИ

# ШАРҚ ГАВҲАРИ

ҚАДИМИЙ ВА ҲАМИША НАВҚИРОН САМАРҚАНДНИНГ САЛОҲИЯТИ ЯНАДА ЮКСАЛМОҚДА



1996 йилнинг 18 октябры қадимий Самарқанд тарихида ўнмас из қолдириш. Шу кун Сўхибқирон Амир Темур ҳўқалигини очишли маросимида Президентимиз Ислам Каримов кўна кентининг шонли тарихи, шаҳарнинг Амир Темур ва темирўйлар давридаги кўйфаси ҳақида гапириб, Самарқандга “Ўтмиши шарафли, бугуни саодатли, келажаги абадий шаҳар” дея таъриф берди. Ва 18 октябры “Самарқанд шаҳри кунин” сифатида нишонлашни тақлиф этди.

Дўнғинг энг қадимий шаҳарларидан, дея эътироф этилган, ўзининг бўй тарихи ва маданий меросига эга Самарқанд шаҳри бунёд бўлибдики, жаҳон тамаддўнига муносиб улўш кўшиб келди. Ўз тарихида босқинчилар томонидан неча маротаба вайрон этилган бўлмасин, ҳар сафар олдингисидан ҳам гўзал ва бетакрор бўлиб қад рўстлайверган бў қадим шаҳар истиклол туфайли обод ва гўзал масканга айланди.

Айтиш жоизки, Ўртбўшимиз ташаббуси билан Самарқанд шаҳрини ривожлантиришинг 2025 йилгача бўлган бош режаси ишлаб чиқилгач, энг аввало, қадимий гўшанинг Эски шаҳар қисми бениҳоят даражада фўзлий масканга айланди. Гўри Амир макбарасидан то Улўбек расадхонасига қадар масофадаги барча тарихий иншоотлар – Рўхобод макбараси, Улўбек, Тиллақори, Шердор мадрасалари, Сароймулкони, Ҳазрати Хиер масжидлари, Шоҳи Зинда ва Мотуридий ёдгорлик мажмуаларининг уйғунлиги таъминланди. Шарқона аънаналар асосида таъмирланган Чорсу тарихий биносидида эндиликда Самарқандда ўтган асрларда ижод қилган мусаввирлар ва айна пайтда фаолият юритаётган мўйқалам соҳибларининг ижод намуналари тарғиб қилинмоқда.

Кейинчалик бундай ўзгаришлар бунтуша ҳўйлаб кўнди. Янгидан-янги замонавий иншоотлар, хиёбонлар, боғлар барпо этилди, кўчалар таниб бўлмас даражада ўзгарди. Инсоният тафаккурининг шох асариди, дея таърифланган Шоҳи Зинда ёдгорлик мажмуаси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йилдаги “Шоҳи Зинда ёдгорлик мажмуасида қайта тиклаш ва ободонлаштириш ишларини ташкил этиш тўғрисида”ги Қарори асосида мукамал реконструкция қилинди. Абу Мансур ал-Мотуридий ҳазратлари мангу кўним топган Чокардиза қабристонини ободонлаштирилиб, ёдгорлик мажмуаси барпо этилди. Бундай эзгу ишлар кўнча шаҳардаги барча осори-атикаларда давом этирди.

Шу ўринда хорижликларнинг Самарқанд ҳақидаги фикрларини келтириб ўтишни жоиз деб ўйлаймиз:

— Самарқандда халқингизнинг бой тарихини акс эттирувчи мезморий ёдгорликлар, мохирона услўбда қайта

таъмирланган ва нозик дид билан безатилган тарихий обидалар ва муқаддас қадамжоларни кўриб ҳайратландим, — деган эди буюк британиялик Кенни Марион Осит Анна. — Айна чоғда бу шаҳар замонавий кўйфаси билан ҳам эътиборни тортади. Кенг ва озода кўчалар, мухташам бинолар, серфаиз сайилгоҳлар, майдон ва хиёбонлар кишининг баҳридалини очади. Айнакиса, Тошкент кўчаси менда унутилмас таассурот қолдириди. Юксак мезморий маҳорат билан бунёд этил-



Уза суратлари.

шаҳарлари кўчаларидан асло қолишмайди.

Австриялик сайёҳ Майкл Холсмени эса тўлқинланиб шундай деганди: — Самарқанднинг кенг ва равон кўчалари, кўркам ва обод манзилларини кўриб, унинг нафақат тарихий обидаларга бой кўнча шаҳар, балки жаҳон андозаларига мос — тараққийётнинг барча омилларини ўзида ифода этган замонавий шаҳар эканига гўвоҳ бўлдим. Бу ердаги меҳмонхоналарда, ресторани ва ҳақиқатда нозиктаб мижоз кўнглини топа олўчи, энг ривожланган мамлакатлардагидан қолишмайдиган юксак даражадаги сервис хизмати йўлга кўйилган. Самарқандда эътиборини тортган яна бир жиҳат, бу — тақомиллашган транспорт хизматидир. Шаҳарни сайр қилиш асосида Самарқанд темир йўл вокзали билан танишиш имкониятига эга бўлдим. Бу ерда йўловчилар учун яратилган қўлай шарт-шароитларга

кечаги бой ўтмиши, Соҳибқирон Амир Темур бобимиз давридаги боғу роғлар, дунё ахлини лўл айлаган миноралар билан боғлаш ўринлидир. Айна пайтда шаҳар марказидаги Беруний, Улўбек, Бўстонсарой, Спитамен номи ва бошқа кўллаб кўчалар кўйфасини бутунлай ўзгартиб кетганини, улар шаҳар гўзаллигига гўзаллик, фўзизга фўйз, тароватига тароват кўшаётганини алоҳида таъкидлаш жоиз.

Мухтасар айтганда, бугунги Шарқнинг гавҳари ва дурдонаси, қадимий ва ҳақиқатда навқирон Самарқанднинг салоҳияти йилдан-йилга юксалиб, кўз ўнгимизда янада яшариб, ўтмиши, бугуни ва келажаги уйғунлашиб борапти. Кўнча шаҳарда амалга оширилаётган бундай эзгу ишлар мамлакатимиздаги тинчлик-осудалик, фаровонлик, иқтисодий тараққийёт барқарорлиги ва бардавомлиги мевасидир.

Ақбар ҚАРШИЕВ,  
“Qishloq hayoti” муҳбири.

Тошкент ш. М.Улўбек т. ҳўқимияти ҳўзуридаги ТСРўЙ томонидан (реестр № 008358-04, 29.08.2013 й.) рўйхатга олинган “BAGRATON” МЧЖ ташкилий ҳўқўйи шакли оилавий корхонасига ўзгаришни маълум қилади.

ООО “ВОЛТИ-ТАУ” (ИНН 200654284) зарегирированное в ИРСИ М.Улўбекского ҳўқимияти (№ 001169-04 от 16.11.2011 г.) ликвидирўетс. Претензии принимаются в течение 1 месяца со дня опубликования по адресу: г. Ташкент, М.Улўбекский р-н, ул. Муस्ताкилий, 59.

“Узавторбўтранс” агентлиги Тошкент шаҳар бўлими томонидан “TINCHLIK YUK TRANS” МЧЖга берилган кўйидаги: 10554305, 1054336, 1054563, 1096549, 1096551, 1096552, 1096554, 1141359, 1141433, 1141434, 1141438, 1141440, 1141443 лицензия варақалари мўддати ўтганлиги сабабли бекор қилинди.

“JUDY AND GLAMOR IMPEX” МЧЖнинг (ИНН 205260032) устав фонди 23 322 326 бўл мўддорининг 21 900 000 сўмгача қамайтирилди. Мақоли: Тошкент ш. М.Улўбек т. Шўжур Бўриқов кўч. 22 А-ўй.

РЕКЛАМА

## ҲўРМАТЛИ ТАДБИРКОРЛАР!

# «АСАКА» БАНК (ОАЖ)

### «EXPORT IMPORT BANK OF KOREA» (КОРЕЯ) ВА «COMMERZBANK AG» (ГЕРМАНИЯ) КРЕДИТ ЛИНИЯЛАРИ ИШТИРОКИДА ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИНИНГ ИНВЕСТИЦИОН ЛОЙИҲАЛАРИНИ МОЛИЯЛАШТИРИШ БўЙИЧА АРИЗАЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАЁТГАНЛИГИНИ МАЪЛУМ ҚИЛАДИ.

**Кредитларни расмийлаштиришинг асосий шартлари:**

**ЛОЙИҲАЛАР**  
Саноат ёки қишлоқ ҳўжалиги соҳасида экспортбўл маҳсулотлар ишлаб чиқаришга мўлжалланган янги ишлаб чиқаришларни ташкил этиш, амалдаги ишлаб чиқаришларни кенгайтириш ва/ёки реконструкция қилиш бўйича лойиҳа.

**ҚАРЗДОР**  
«Export Import Bank of Korea» (Корея) кредит линияси бўйича  
“Навоий” эркин индустриал-иқтисодий зонаси ҳудудида Корея капитали иштирокида фаолият юритаётган компаниялар;  
“Навоий” эркин индустриал-иқтисодий зонаси ҳудудида Корея капитали иштирокида фаолият юритаётган компанияларга товарлар етказиб бериш ва хизматлар кўрсатиш билан шўғулланаётган ёки Корея капитали иштирокида фаолият юритаётган компаниялардан товарлар олаётган ва хизматларидан фойдаланаётган Корея капитали иштирок этмаган компаниялар.

**«Commerzbank AG» (Германия) кредит линияси бўйича**  
Ўзбекистон резиденти – хўсусий кичик корхона, кўшма корхоналар, акциядорлик жамиятлари.  
**КРЕДИТЛАРДАН МАҚСАДЛИ ФойДАЛАНИШ**  
«Export Import Bank of Korea» (Корея) кредит линияси бўйича  
Корея капитали иштирокидаги компаниялар учун:  
— усқуналар харид қилиш ва ўрнатиш;  
— стратегик инвестициялар.  
Корея капитали иштирок этмаган компаниялар учун:  
— усқуналар сотиш ва хизматлар кўрсатиш;  
— усқуналар харид қилиш ва хизматлардан фойдаланиш.

**«Commerzbank AG» (Германия) кредит линияси бўйича**  
Импорт усқуналари ва технологиялари харидини молиялаштириш, шўнингдек, ишчи капиталини шакллантириш харажатларини қўллаш.

**Маълумот учун телефонлар: 8 (371) 120-39-04, 120-39-56, 120-39-58.**

## «АСАКА» БАНК — ТАДБИРКОРЛИК ТАРАҚҚИЁТИНИНГ МУСТАҲКАМ ТАЯНЧИ!

Хизматлар лицензияланган.

○ Реклама ва эълонлар

### ЧЕТ ЭЛ КОРХОНАСИ МЧЖ «АГРОМАШХОЛДИНГ-ТАШКЕНТ»

ТАКЛИФ ЭТАДИ:

## ВТ-150, ВТ-100 ВА ДТ-175 РУСУМЛИ ҲАЙДОВ ТРАКТОРЛАРИ УЧУН ЗАНЖИРЛАР ВА БОШҚА ЭҲТИЁТ ҚИСМЛАР.

Тошкент ш., Ниёзбек Йўли кўчаси, 1. Тел.: + 998 71 120 96 00/10;  
Факс: +998 71 234 89 88; E-mail: info@chetra-tashkent.ru  
Сайт: www.chetra-tashkent.ru

## МАХСУС ВА ОДДИЙ ТРАКТОРЛАР!

Барча тракторлар корхонанинг Тошкентдаги омборхонасида мавжуд

- Эскаватор-поғрузчик ЗП-Ф (Б) бульдозер
- Бульдозер поғрузчик БЛ-750
- Эскаватор-поғрузчик цепной ЗП-Ф-9
- Асфальторез
- Подъемник БЛ-09
- “Беларусь” ГМТЗ-80х, 80.1, 82.1, 1025.2, 1221.2
- Запасные части к тракторам “Беларусь”
- Шины различных моделей

максулот сертифицикатланган.

Т.: (+99893) 501 6911, (+99871) 252 1629, 256 0955. E-mail: toglar\_uz@mail.ru www.toglar.uz

### Поставка и продажа тракторов МТЗ и сельхоз.техники производства Беларусь.

**Гарантия** **Лизинг**

Приглашаем к сотрудничеству региональных дилеров.

Тел.: (99895) 77-08-50, (99895) 170-08-50.

### Заводские запчасти для тракторов МТЗ Производство Беларусь

Тел.: 99895 170-32-52

### Продажа всех видов шин для грузовой и сельскохозяйственной техники.

Приглашаем к сотрудничеству региональных дилеров.

Тел.: (99895) 199-10-33, (99893) 377-13-95.

<p><b>Бош муҳаррир:</b> Чори ЛАТИПОВ</p>	<p><b>МУАССИСЛАР:</b> Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Агроеконом комплекси таркибидида ҳамда шу тармоққа дахлдор вазирлик ва идоралар.</p>	<p><b>ТАХРИР ҲАЙЪАТИ:</b> Улўбек УЗОҚОВ, Соҳибқирон ТўРДИЕВ, Омонулло ЮНУСОВ, Фарход ОМОНОВ, Эркин ҚУДРАТОВ, Муса АНОРБОВЕВ, Абдуваҳоб ТАМИҚАЕВ, Махмуд ТОИР, Ҳабиб ТЕМИРОВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Анвар ҚУЛМУРОДОВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Ренат НАЗАРОВ, Шерзод ҒУЛОМОВ, Муҳиддин АБДУСАМАТОВ (Маъсул котиб).</p>	<p>Ўзбекистон Мабулот ва ахборот агентлиги томонидан 2009 йил 13 февралда № 0020-рақам билан рўйхатдан ўтказилган.</p> <p>ISSN 2010-7023</p>	<p>Қабулхона — 236-26-50, Котибият — 233-95-17, Аграр масалалари бўлими — 233-76-78, Ижтимоий-сиёсий ва ҳўқўйи масалалар бўлими — 236-26-49, Маънавият ва маърифат бўлими — 236-26-35, Хатлар ва жамоатчилик билан алоқалар бўлими — 233-44-43, Факс — 233-44-43, 233-09-93.</p> <p><b>ХУДУДЛАРДАГИ МУҲБИРЛАР:</b> Андижон — (+99890) 592-62-04; Вилоятлар: Андижон — (+99893) 630-73-03; Бўҳоро — (+99891) 401-29-59; Жиззах — (+99890) 297-44-09; Навоий — (+99891) 537-14-36; Наманган — (+99890) 278-95-87; Фарғона — (+99890) 407-76-03; Самарқанд — (+99891) 537-24-95; Сирдарё — (+99894) 168-23-60; Сурхондарё — (+99890) 519-86-50; Тошкент — (+99890) 976-39-58; Ҳоразм — (+99890) 438-71-25; Қашқадарё — (+99891) 635-08-03.</p>	<p><b>Реклама ва эълонлар:</b> 236-26-50, 233-28-04.</p> <p>Навбатчи муҳаррир: С.САЙДИСЛОМОВ Мусаҳҳиж: О.ОЧИЛОВ Дизайнер: М.БОБОМУХАММЕДОВА</p>
--	---	--	--	---	---